

## МОЛИЯВИЙ СЕКТОРНИ СОЛИҚ ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ

*PhD, доцент Кудияров Кишибай Раматуллаевич  
Карақалпоқ давлат университети*

**Аннотация.** Мазкур тадқиқотда молиявий секторни солиқлар воситасида тартибга солишга оид назарий-амалий ёндашувлар қўриб чиқилган. Солиқлар воситасида самарали тартибга солишида молиявий фаолиятга солиқни қўлланиши масалалари ўрганилган. Таҳлил натижасида молиявий фаолиятга солиқ бўйича хуносалар шакллантирилган.

**Ключевые слова:** молиявий сектор, тартибга солиш, солиқча тортиш, молиявий фаолиятга солиқ, солиқ базаси.

## НАЛОГОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ФИНАНСОВОГО СЕКТОРА

*PhD, доцент Кудияров Кишибай Раматуллаевич  
Каракалпакский государственный университет*

**Аннотация.** В данном исследовании изучены теоретические и практические подходы к налоговому регулированию финансового сектора. Эффективное налоговое регулирование предполагает применение налога на финансовую деятельность. В результате анализа сделаны выводы по налогу на финансовую деятельность.

**Ключевые слова:** финансовый сектор, регулирование, налогообложение, налог на финансовую деятельность, налоговая база.

## TAX REGULATION OF THE FINANCIAL SECTOR

*PhD, Associate Professor Kudiyarov Kishibay Ramatullayevich  
Karakalpak State University*

**Abstract.** In this study, theoretical and practical approaches to tax regulation of the financial sector are studied. Effective tax regulation considers the application of a tax on financial activities. As a result of the analysis, conclusions were drawn on financial activity tax.

**Keywords:** financial sector, regulation, taxation, financial activities tax, tax base.

### Кириш.

Молиявий сектор капиталдан олинадиган даромадлар учун асосий бирламчи манба ҳисобланиб, ўз молиявий маҳсулотларни реализация қилиш орқали фоизли даромадлар олади. Бу эса капиталдан даромадга солиқ солиш тартиби ва молиявий хизмат турларини шаклланиши жараёнлари молиявий воситачилик муҳитида рўй беринини англатади. Молиявий секторни солиқча тортиш масаласи узоқ йиллардан бўён қўриб чиқилаётган тўлиқ ечимини топмаган муаммолардан ҳисобланиб, молиявий секторни солиқ воситалари орқали тартибга солиш бўйича дастлабки таклифлар Keynes ва Tobinлар томонидан ишлаб чиқилган.

Барча трансакцияларга солиқлар жорий этилиши спекулятив операциялар масштабини қисқартириш борасидаги энг мақбул чоралардан бир бўлган (Keynes, 1936). Tobin (1978) томонидан валюта курсларидағи тебранишларни чеклаш мақсадида барча қисқа муддатли хорижий валюта операцияларга солиқ қўлланишини тавсия этган.

Солиққа тортиш тизимиға нафақат "фискал" бюджет даромадларини ошириш, шу билан бирга, банклар барқарорлигини ошириш ва уларнинг юқори даражадаги рисклар боғлиқ фаолиятини тартибга солиш воситаси сифатида қараш керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банк тизимини барқарор фаолияти бутун иқтисодиёт учун принципиал аҳамиятга эга. Бу эса солиққа тортишда банклар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўйилган талабларни бажаришга йўналтирилиши лозимлигини англатади. Жумладан, Базель-III талабларига асосан банкларда капиталнинг ҳимоявий «консервация «буфери» жорий этилди. Капиталнинг ҳимоявий консервация «буфери» риска тортилган активларга нисбатан 2,5 фоизни ташкил этадиган қўшимча захирадан иборат. Контрциклик буфер тижорат банкларини циклли инқирозларга қарши захира сифатида шакллантириш белгиланган ҳамда банк левераж коэффиценти ва ликвидликни қоплаш коэффициенти (Liquidity Coverage Ratio) бўйича янги норматив талаблар киритилган.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Банк тизимини барқарорлигини таъминлаш ва ривожланиши давлат бошқарувидаги шакл ва усуслар умумий таъсири остида амалга оширилиб, бунда солиқ воситаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ривожланган мамлакатлар амалиётида банкларни солиққа тортиш қўйидаги тартибга солиш усуслари билан характерланади: кенг қўламадаги солиқ чегирмаларидан кенг фойдаланиш (резерв фондлари ташкил этиш учун, заарларни қоплаш ажратмалар, ва бошқалар); ялпи даромад суммасидан, уни олиш билан боғлиқ барча харажатларни бўйича чегирмаларни тақдим этилиши, банк фаолияти билан боғлиқ операциялар билвосита солиқларни (ҚҚС, ТХС ва бошқалар) тўлашдан озод қилиниши; юридик ва жисмоний шахслар қарзларини фоизлари бўйича қисман ёки тўлиқ фойда солиғи ва даромад солиғидан озод қилиниши (Стародубцева, 2007). Молиявий инқирозни келиб чиқиш сабаблари ва унинг оқибатларини бартараф этишда молиявий секторни солиқлар воситасида тартибга солишдаги мавжуд бўлган муаммоларни кўрсатиб берди. Keynes (1936) таъкидлашича, солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш воситаси функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш заруриятидан келиб чиқади. Молиявий инқироз даврида, ҳақиқатдан тизимли риска нисбатан тартибга солиш ва назорат қилишдаги мавжуд камчиликлар ва натижада давлат молиясига кучли таъсири, молиявий секторни солиқлар воситасида тартибга солишга бўлган катта қизиқишга сабаб бўлди. Ривожланган мамлакатларда инқироз билан боғлиқ молиявий сектордаги йўқотишларни компенсация қилиш учун қўйидаги асосий иккита чораларни қўлланилган: молиявий муассасаларни муайян турдаги мажбуриятларидан келиб чиқиб ундириладиган йигимларни жорий қилиниши (хусусан, АҚШ, Швеция ва Германия); молиявий секторда тўланадиган бонусларга қўшимча солиқ солиш (хусусан, Буюкбритания, Италия, Франция). ХВФ (2010) томонидан банк секторига қўшимча солиқларни жорий қилинишига, банк секторига кўрсатилган молиявий ёрдамга нисбатан инқироз боғлиқ заарларни юқорилиги ҳамда ортиқча рисклар ва тизимли риск («too big to fail» муаммоси, давлат томонидан тизимли муҳим молиявий банкларга қўллаб-қувватлашга бюджет маблағларини сарфланиш ҳолатлари) боғлиқ ташқи салбий таъсиrlарни юмшатишини асосий сабаблар сифатида кўрсатиб ўтилган. Европа

комиссиясининг (ЕС, 2010) молиявий секторни солиқقا тортиш тұғрисидаги маъruzасида солиқ солища муҳим бўлган учта аргумент келтириб ўтилган. Солиқقا тортиш молиявий секторни фаолияти билан боғлиқ рискларни пасайтириш мақсадлари учун қўлланиладиган тартибга солишга муҳим восита деб қаралган. Иккинчидан, даромад манбаи бўлиб, банклар солиқ тўловчи сифатида давлат молиясига адолатли хисса қўшиши мумкин ва учинчидан, банклар молиявий муаммоларини ечимида молиялаштириш манбаси ҳисобланади. Молиявий фаолиятга солиқ (МФС) банк йиғимларига нисбатан кенг қўламдаги, юқори даражадаги рискни камайтириш ва сезиларли даромад келтириши мумкин бўлган молиявий сектордаги яна бир солиқ ҳисобланади. МФС муассасаларни мукофоти ва фойдаси суммасига қўлланилади. МФС ни рискларни тартибга солищдаги қўшимча восита сифатида қараш мумкин. Мазкур солиқни жорий қилиниши баъзи қийинчиликлар, масалан уни қўллаш учун “периметрини” аниқлаш. Молиявий секторда хизмат кўрсатувчи номолиявий корпорацияларни уни таъсир доирасига тушиб қолиши ва номолиявий секторда фаолиятини ташкиллаштирувчи бошқа компаниялар рағбатлантирилиши мумкин. Молиявий институтлар категориясидан фаолиятини асосий қисми портфелли инвестиция билан боғлиқ бўлган пенсия ва инвестицион фондлар, шунингдек, асосан рўйхатдан ўтган фирмаларга хизмат кўрсатувчи молиявий холдинглар чиқарилган (Broadway R., Keen M., 2003).

Keen, Krelove ва Norregaard (2017) МФС счет-фактура шаклидаги ҚҚС дан озод қилиниши билан боғлиқ барча қийинчиликларни ҳеч қандай тарзда ҳал қилмаслигини, бироқ бошқа яхши ечим бўлмаган шароитда уни таклиф этилиши муҳим эканлигини таъкидлашган. ХВФ (2010) томонидан молиявий муассасалар оладиган мукофот ва фойдаси суммасидан олинадиган МФС ни тавсия этилган. Чунки, банк секторидаги ялпи қўшилган қиймат-бу молиявий ташкилотлар ходимларини мукофоти ва фойда суммасидан иборат бўлиб, МФС да амалда молияй муассасаларнинг соғ трансакцияларига солиқ солинади (Brondolo, 2011). Бироқ, МТС каби МФС бўйича маҳсус келишувлар бўлмаган тақдирда, бизнес трансакцияларига қўлланиладиган солиқقا айланади, чунки бундай ҳолатда молиявий ташкилотлар томонидан тўланган МФС учун унинг мижозларига солиқ кредити берилмайди.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, монографик, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳдил қилиш, назарий ёндашув усулларидан фойдаланилган.

### **Таҳдил ва натижалар муҳокамаси.**

МФС обьекти учун солиқ тўловчиларнинг фойдаси ва иш ҳақи суммаси белгиланиши тавсия этилган. ХВФ экспертлари томонидан тавсия этилган МФС модел солиқ базасидан (солиқقا тортиш обьектини қиймат ва миқдорий таснифи) келиб чиқиб ажратилади. Бунда МФС тортиш мақсадида аниқланадиган фойда корпорациялар фойдасига солиқ солища аниқланадиган фойдадан фарқ қилиши шарт бўлиб, ҚҚС ҳисоблаш учун қўлланиладиган даромадга (тўлиқ чегириладиган инвестиция, амортизации суммаси ва чегириладиган фоизларни қўшилган холда) яқин бўлиши керак. Шунингдек, ходимларни мукофотларига иш ҳақидан ташқари, бошқа барча тўловлар ва рағбатлаштириш чоралари, шу жумладан, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар, шу билан бирга, компенсион тўловлар киради ва солиқ тушумлари маҳсус ташкил этилган фондларига эмас, бюджетни умумий даромадларига қўшилиши назарда тутилган.

МФС базасига киритиш учун мукофот ва фойдани муқобил аниқланиши, унга турли мақсадларга эришиш имкониятини беради<sup>140</sup>. Масалан, ХВФ барча тўловлар солиқ базасига киритилган холда МФС самарали равишда ҚҚС сифатида намоён бўлишини ва шунинг учун, молиявий хизматлар озод қилинадиган мавжуд ҚҚС механизмлари доирасида унинг ижобий муносабати туфайли, молиявий секторни хаддан ташқари катта бўлиши рискини қисман қоплаши мумкинлигини тасдиқлайди. Техник сабабларга кўра, одатда молиявий хизматлар ҚҚС дан озод қилинади ва бу фақат солиқ сабабли молиявий секторга солиқ солиниш эҳтимоли юқори бўлиши мумкинлигини англатади. Хусусан, бир неча мамлакатларни молия секторидан ҚҚС дан сезиларли тушумлар тушган (Австралияда қарийиб 12 фоизни, Мексикада 7 фоизни ва Канадада 6,5 фоизни ташкил этган) (ХВФ 2010). Бундан ташқари, номутаносибликларни чуқурлашувидан қочиш мақсадида солиқ ставкаси ҚҚС нинг жорий стандарт ставкаларидан паст бўлиши лозим. Чунки, молиявий хизматлар одатда ҚҚС дан озод қилингандиги сабабли, молиявий секторни бошқа секторларга нисбатан солиқقا тортилмаслиги эҳтимоли катта. Кўпгина мамлакатларда молиявий секторнинг қўшилган қиймат миқдори шуни кўрсатмоқдаки, хатто нисбатан паст даражадаги МФС ставкаси самарали усул орқали сезиларли даромад тушумни таъминлаши мумкин. Масалан, Buettner ва Erbe (2012) томонидан МФС ни амалга киритилишининг даромад ва фаравонликка таъсирини назарий ва миқдорий жиҳатдан таҳлил этилган бўлиб, ушбу натижаларни солишириш орқали 3 % ставкада МФС ни жорий этилиши, молиявий секторни ҚҚС дан озод қилиниши (ҚҚС 19 % ставкада ҳисобга олган холда) бекор қилиниши каби даромад ва фаравонлик оқибатларига олиб келиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, ХВФ томонидан МФС га қўшимча равишида иккита вариант тавсия этилган бўлиб, МФС-2 солиқ базасига молиявий ташкилотларни фойдасига ходимларни ортиқча мукофотлари (*surplus compensations*), яъни молиявий сектордаги юқори мукофот олувчи ходимларни даромадлари киради. Бунда, ортиқча мукофотни аниқлаш билан асосий муаммони ҳал этиш учун молиявий сектордаги бошқарувчилар даромадини, иқтисодиётни бошқа секторларидағи бошқарувчилар даромади билан солишириш тавсия этилган. Мутахасисларни фикрига кўра, МФС рентани солиқقا тортишга яқин бўлса, солиқ юкини молиявий хизматларни истеъмолчиларга ўтказиш эҳтимоллиги камаяди. МФС-3 солиқ базаси белгиланган юқори даромадлилик даражаси чегарасидан юқори бўлгани фойда ва юқори мукофот олувчи ходимларни даромади ҳисобланабиб, молиявий сектордаги ортиқча даромадга солиқقا айланишини тасдиқлайди.

Шу билан бир қаторда, даромадлиликни аниқлаш масаласи, яъни капитал даромадлилиги ёки актив даромадлилиги бўлиши керакми мазмунидаги савонни ҳал этилиши МФС жорий этилишини режалаштирилаётган давлатлар ихтиёрига қолдирилган. ХВФ кўрсатиб ўтишича, МФС маъмурчилигини ташкил этиш оддий бўлиб, фойдага в ходимларни мукофотларига солиқ солиш солиқ маъмурчилиги учун одатий вазифа ҳисобланади. Шубҳасиз, ҳал қилиниши зарур бўлган техник муаммолар мавжуд бўлади, бироқ уларнинг аксарияти солиқ маъмурчилигини ечими билан боғлиқдир. Бироқ, кўпгина мамлакатларда бундай солиқ амалга киритилган бўлиб ва қўшимча солиқка тортиш паст ставкали солиқ юрисдикцияларидан фойдаланиб, солиқдан қочишни келтириб чиқариши мумкинлиги ва бунда, ушбу солиқни паст ставкада ва уни кўпгина мамлакатларда жорий этилиши мазкур рискни пасайтирувчи омили бўлиши мумкин (Claessens ва Keen, 2010).

<sup>140</sup> ХВФ (2010) ҳисботини 6-иловасида МФС муқобил шакллари бўйича потенциал базаси ва даромади кўрсатилган.

Молиявий ташкилотлар фойдаси ва ходимлар мукофотларини солиқقا тортиш доирасида эксперталар асосий эътиборларини мұхим ва муракааб бўлган масалага, яъни солиқقا тортиш мақсадида молиявий сектордаги қўшилган қийматни аниқлашнинг амалий имкониятларига қаратилган. МФС нинг кўп жиҳатдан ҚҚС характерига эга бўлиши, ҚҚС каби банкларнинг фаолияти структурасига бевосита таъсир этмайди, чунки солиқ хизматлардан тушум ёки товар айланмасидан эмас, балки қўшилган қиймат суммасига боғлиқлигини тасдиқлади. Албатта, мазкур солиқни ҚҚС билан фарқи шундаки, солиқ юки фақат охирги истеъмолчиларга эмас, маълум қисми банкларга ҳам тушади. Бинобарин, мазкур солиқни амалга оширилиши банкларни фаолиятига бевосита таъсир этмайди, чунки МФС аслида иқтисодий рентага солиқ сифатида, банк фаолиятини ўзгартирган холда уни ҳажмини қисқартиришга олиб келади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқилган ва кенг мұхокама қилинаётган инқирозга қарши курашиши мүмкін бўлган солиқ чораларида амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифларни яхлит концепциясини эмас, балки солиқларнинг алоҳида элементларини чуқур ўрганиш билан молиявий секторни қўшимча солиқقا тортиш ғояларини акс эттиради, бу уларни жорий этишга ёки жорий этмасликка асосланган тавсиялар беришга имкон бермайди..

Амалдаги солиқ тизимида қарзлар бўйича фоизларга солиқ чегирмаларини қўлланилишини бекор қилиниши ёки чегирмалар бўйича чекловларни (фоиз бўйича имтиёзларни чеклаш қоидалари ёки “капиталлашувни етишмаслигига қарши қоидалар”) ўрнатилиши тавсия этилган. Шу билан бирга, солиқقا тортиш молиявий секторидаги тизимли рискларни пасайтириш мақсадлари учун қўлланиладиган мұхим инструмент ҳисобланади. Иккинчидан, бу даромад манбаси бўлиб, банклар солиқ тўловчи сифатида давлат бюджетигаadolatli ва сезиларли даражада хисса қўшиши ва ўз навбатида, банкларнинг молиявий муаммоларини ечимида молиялаштириш манбаси бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, молиявий секторга нисбатан тартибга солиш ва солиқ сиёсати сезиларли даражада бир-биридан мустақил равища шаклланган бўлиб, буни турли мамлакатларда турлича солиқ тизимини мавжудлиги билан изоҳлаш мүмкін. Шу сабабдан, молиявий секторни барқарорлик кўрсаткичларини ўсишини ва инвестицион фаолиятини кенгайишини таъминлаш нуқтаи назаридан солиқлар воситасида тартибга солища янада яхлит бир ёндашувни ишлаб чиқиш лозим.

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Broadway R., Keen M. *Theoretical Perspectives on the Taxation of Capital Income and Financial Services. The Taxation of Financial Intermediation.* 2003. IMF.

Buettner and Erbe,2012. *FAT or VAT? The Financial Activities Tax as a Substitute to Imposing Value Added Tax on Financial Services* [https://www.econstor.eu/bitstream/10419/79959/1/VfS\\_2013\\_pid\\_23.pdf](https://www.econstor.eu/bitstream/10419/79959/1/VfS_2013_pid_23.pdf).

Claessens S., Keen M. September 2010. 78 page. *Financial Sector Taxation the IMF's Report to the G-20 and Background Material.* <http://www.imf.org/external/np/seminars/eng/2010/paris/pdf/090110.pdf>

EC (2010). *Financial sector taxation. Taxation Papers, 25, Brussels: Directorate General Taxation and Customs Union, European Commission.*

IMF, 2010. *A fair and substantial contribution by the financial sector: Final report for the G-20. Technical report.* Washington: International Monetary Fund.

*John D. Brondolo, 2011. Taxing Financial Transactions: an Assessment of Administrative Feasibility. IMF Working Paper. <http://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2011/wp1154.pdf>.*

*Keen, Michael and Krelove, Russell and Norregaard, John, 2017. Policy Forum: The Financial Activities Tax. Canadian Tax Journal/Revue Fiscale Canadienne, 2016, Vol. 64, No. 2, p. 389. Available at SSRN:<https://ssrn.com/abstract=2909931>.*

*Keynes J.M., 1936. The General Theory of Employment, Interest Rates and Money. Harcourt Brace & World, New York.;*

*Tobin J., 1978. A proposal for international monetary reform. Eastern Economic Journal, 4(3-4), 153-159.*

*Стародубцева Е.Б., 2007. Основы банковского дела: учебник. Изд.: Профессиональное образование. <https://www.bibliofond.ru/view.aspx?id=5049>.*